

Диний таълим муассасалари учун қишки таътил муддати белгиланди



14:43 / 06.12.2025 854

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус ислом таълим муассасалари талабаларининг қишки таътил муддатлари маълум бўлди.

Унга кўра, қишки таътил 2025 йил 29 декабрдан 2026 йил 10 январгача белгиланди. Дарс машғулотлари эса 2026 йил 12 январдан давом этади.

Аввалроқ, олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг тегишли буйруғига мувофиқ, олий, ўрта махсус ва касбий таълим ташкилотлари (давлат, нодавлат ҳамда хорижий) ва академик лицейлар талаба ҳамда ўқувчиларининг жорий ўқув йили учун қишки таътил муддати [белгиланган эди](#).

Буйруққа мувофиқ, қишки таътил 2025 йил 28 декабрдан бошланиб, 2026 йил 10 январига қадар (шу куни ҳам) давом этади.

Шунингдек, талаба ва ўқувчиларнинг қишки таътил даврида доимий яшаш ҳудудларига (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига) бориб-келишини қулай қилиш мақсадида Транспорт вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳамда «Uzbekistan Airways» АЖ билан ҳамкорликда қўшимча имкониятлар яратилади.

Жумладан, 2025 йил 18 декабрдан 2026 йил 12 январига қадар (шу кун
ҳам) талабалар ва ўқувчилар учун 50 фоиз чегирма асосида йўл чипталари
сотуви йўлга қўйилади.